YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil, 20-avgust, payshanba
№102
(5322)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



20 август — Тадбиркорлар куни

18 АВГУСТ КУНИ ХИВА ШАҲРИДАГИ «КОНГРЕСС-ХОЛЛ» МАЖМУАСИДА ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи

ТАРАҚҚИЁТ ЭШИКЛАРИНИ ОЧАЁТГАН ТАШРИФЛАР



Президентимиз Шавкат Мирзиёев амалга оширилган янги лойиҳалар билан танишиш ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиш мақсадида 17-18 август кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Давлат раҳбарининг ҳудудларга ҳар бир ташрифи янги ташаббуслар ва улкан бунёдкорлик ишларига туртки бермоқда. «Президентнинг келгани яхши. Чунки у киши билан давлат, ободлик, меҳр келади. Қани эди, ҳар ойда бир келсалар», дейди хоразмлик катхудолар.

Дарҳақиқат, ташрифдан ташрифгача даврда ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгариб, эрта ё индин эмас, бугун бахтли яшаш имконияти кенгаяётгани халқнинг Президентга ишончи ва умидини янада мустаҳкамламоқда.

Биз, хоразмликлар, кейинги ўн йилдаги янгиланишларни таърифлаб адоғига етолмаймиз. Очиғи, аввалги даврда амалга оширилган ишларни санашга беш бармоғимиз кифоя эди, энди эса атиги бир йилда қилинган ишларни сарҳисоб қилишга ўн бармоғимиз камлик қилади.

Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хоразмга 2025 йил май ойидаги ташрифидан кейин қанча ишлар бўлиб кетди. Янги шаҳарчалар бунёд этилди. Олий ўқув юртлари очилди. Мактаб, боғча, шифохоналар қурилди. Минглаб иш ўринлари яратилди. Йўллар обод бўлди. Буларга бир-бир тўхталамиз, десак, қалин китоб бўлиши аниқ.

ЙЎЛ ҚУРГАН ЕТАР МУРОДГА

Давлатимиз раҳбари аввалги ташрифида Урганч халқаро аэропортида модернизация ишларини амалга ошириш бўйича тегишли топшириқлар берган эди. Ўтган бир йил мобайнида аэропортни замонавий халқаро талабларга мослаштириш йўлида муҳим қадамлар ташланди.

Урганч халқаро аэропорти 1960 йилда ишга туширилган, 1992 йилда унга халқаро мақоми берилган. Умумий майдони 285 гектардан ортиқ ушбу мажмуа ўтган йиллар давомида минглаб йўловчиларга хизмат кўрсатди. Айни пайтда аэропорт орқали ўнга яқин нуфузли авиакомпания мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Жорий йилнинг ўзида аэропорт томонидан 126 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлиб, бу 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 31 фоизга кўпдир. Назаримда, мана шу фактнинг ўзи аэропортдаги модернизациянинг аҳамиятини англашимиз учун етарли.

Аэропортни кенгайтириш ва модернизация қилиш учун 264 миллион доллар инвестиция йўналтирилиб, лойиҳа давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётир. Хусусий шерик сифатида Жанубий Кореянинг «Incheon International Airport Corporation» компанияси жалб қилинган. Реконструкция натижасида «Boeing 747» ва «Airbus A350» каби кенг фюзеляжли ҳаво кемаларини қабул қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса дунёнинг турли қитъаларидан Хоразмга транзитсиз, тўғридан-тўғри узоқ масофали парвозларни йўлга қўйишга шароит яратади.

Реконструкциянинг биринчи босқичида 18 та ҳаво кемаси тураргоҳи ва янги бурилиш йўлаги қурилади. Замонавий чегара назорати ва виза бўлимлари, бизнес-зал, савдо ва овқатланиш шохобчалари, кеча-ю кундуз ишлайдиган тиббиёт пункти, дунё брендлари жамланган «Duty free» зонаси ташкил этилади. Лойиҳа якунлангач, аэропортнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш қуввати соатига ҳозирги 300 нафардан 1300 нафаргача ошади.

Бу рақамлар ортида эса янада катта мақсад бор. Хоразмга келаётган меҳмонлар оқими бир неча карра ортган бир пайтда, вилоятнинг дунё билан боғланиш имконияти ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Президентимиз ташаббуси билан бундан беш йил муқаддам Хивага поезд қатнови йўлга қўйилган бўлса, бу йилдан «Тошкент – Хива» йўналишида электропоездлар ҳаракатлана бошлади. Уларга буюк саркарда, мардлик ва ватанпарварлик тимсоли Жалолиддин Мангуберди номи берилиши тарихий хотира ва бугунги тараққиётни уйғунлаштириб, воҳанинг тарихий нуфузи ҳамда миллий ғурурини янада юксалтирди.

Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар боис шаҳар ва туманларда замонавий жамоат транспорти кўпайиб, тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлар натижасида янги корхоналар, иш ўринлари ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони ортиб боряпти. Энг муҳими, вилоятда транспорт тизими эндиликда алоҳида йўналишлар эмас, балки ўзаро боғланган ягона инфратузилма сифатида шаклланяпти.

Урганч халқаро аэропорти ва Хива темир йўл вокзалини боғлайдиган янги темир йўл линияси барпо этилгани бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Қиймати 225 миллиард сўмлик ушбу лойиҳа доирасида 11 километрлик янги темир йўл қурилиб, йилига қарийб 650 минг нафар маҳаллий ва хорижлик сайёҳ аэропортдан Хивага тўғридан-тўғри бориши учун имконият яратилди. Аэропорт ва темир йўлни бевосита боғлайдиган бундай лойиҳа мамлакатимизда биринчи марта амалга оширилди. Ушбу янги йўналишда Хитойда ишлаб чиқарилган CR200J электропоезди қатнови йўлга қўйилади. Олти вагондан иборат поезд бир вақтнинг ўзида қарийб 400 нафар йўловчини таший олади ва соатига 160 километр тезликда ҳаракатланади.

Давлатимиз раҳбари янги электропоездда Хива шаҳрига келгани лойиҳанинг амалий аҳамиятини янада яққол намоён этди.

Дарвоқе, бу тизимни яна бир транспорт воситаси – янги троллейбуслар тўлдирмоқда. Президент Хивада Урганч халқаро аэропорти ва Хива темир йўл вокзалини боғлайдиган йўналишда қатновга қўйиладиган янги троллейбусларни ҳам кўздан кечирди. Жорий йил июль ойида Хитойдан олиб келинган 10 та троллейбус замонавий автоном ҳаракатланиш тизимига эга. Улар электр тармоғига уланмаган ҳолда ҳам 100 километргача йўл босиши мумкин. Ҳар бири 87 нафар йўловчига мўлжалланган.

Бундан ташқари, Урганч – Хива пуллик автомобиль йўли ҳам ишга туширилмоқда. Бу мамлакатимиздаги биринчи пуллик автомобиль йўли бўлиши кутилмоқда. У орқали Урганчдан Хивага етиб бориш вақти 45 дақиқадан 20 дақиқага қисқаради. Президентимиз ташриф давомида Хивадан Урганчга шу йўл орқали қайтди.

ИҚТИСОДИЙ САМАРА ЯНАДА ОШАДИ

Йўл қанча қисқарса, Хоразм шунча яқинлашади. Хивага келган сайёҳнинг вақти йўлда эмас, тарихий обидалар, музейлар, ҳунармандлик устахоналари, меҳмонхоналар, ресторанлар ва бошқа хизматларга сарфланади. Натижада туризмдан келадиган иқтисодий самара янада ортади.

Туризм инфратузилмаси айни шу эҳтиёждан келиб чиқиб янгиланмоқда. Охирги тўққиз йилда 280 та меҳмонхона ва меҳмон уйи қурилди, меҳмонхона фонди 4 баробар ошди, 11 та янги туризм маскани ишга туширилди. Сўнгги беш йилда хорижий сайёҳлар сони 10 бараварга кўпайди.

Демак, Хивага боришни осонлаштириш билан бирга, у ерда сайёҳларни муносиб кутиб олиш имконияти ҳам яратиляпти.

– Илгари Хоразм туризми ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг хаёлига асосан Ичан қалъа келарди. Бугун эса ушбу тарихий мерос замонавий шаҳарсозлик, транспорт, хизмат кўрсатиш ва халқаро туризм билан уйғунлаштирилди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган «Арда Хива» мажмуаси Хоразмнинг янги туристик қиёфасидир, – дейди техника фанлари номзоди, меҳнат фахрийси Раҳимберган Матрасулов.

Хивада барпо этилаётган янги туристик шаҳарча ҳам тарих ва замонавийликнинг ана шу уйғунлигини намоён этади. Унинг меъморий концепциясида Хоразмнинг кўп асрлик шаҳарсозлик анъаналари, жумладан, 1511 йилда Хива хонлигининг илк пойтахти ҳисобланган қадимий Вазир шаҳрининг тарихий тузилиши ва кўчалар тармоғи асос қилиб олинган. Умумий майдони 12,3 гектар бўлган мажмуада меҳмонхоналар, тарихий ва замонавий экспонатлар намойиш этиладиган музей, миллий ва халқаро таомлар ресторанлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашади. Ҳудуднинг салмоқли қисми яшил майдонлар ва сайр йўлакларига ажратилади, шаршарали фавворалар ва ариқлар ташкил этилади. Автотураргоҳлар қуёш панеллари ўрнатилган соябонлар билан таъминланиши ҳам кўзда тутиляпти.

ВОҚЕЛИККА АЙЛАНАЁТГАН ОРЗУЛАР

Президентимиз Хивада янги барпо этилган Конгресс-холл, уч юлдузли меҳмонхона ҳамда «Хива Ичан қалъа» қабуллар уйи фаолияти билан ҳам танишди. Мазкур объектлар давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 30 апрелдаги тегишли ҳужжати асосида барпо этилган. Уларни ишга тушириш натижасида қарийб 2 мингта янги иш ўрни яратиш, йилига 50 минг нафар сайёҳга меҳмонхона хизмати кўрсатиш мақсад қилинган.

Замонавий премиум услуб ва Хоразм миллий меъморчилиги элементлари уйғунлигида қурилган Конгресс-холл халқаро анжуманлар, бизнес-конференциялар, ҳукуматлараро музокаралар ва маданий форумларни ўтказиш учун мўлжалланган. Умумий майдони 1,9 гектар бўлган мажмуани барпо этиш учун давлат бюджетидан 857 миллиард сўм йўналтирилди. Атрофида кенг яшил ҳудудлар ва хиёбонлар ташкил этилган.

Халқаро анжуманлар иштирокчилари ва сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида Конгресс-холлга туташ ҳудудда уч юлдузли меҳмонхона қурилган. Ундан Конгресс-холл биносига, «Боқий шаҳар» тарихий-этнографик боғи ва ҳунармандлар расталарига яшил сайр йўлаклари орқали бир неча дақиқада пиёда етиб олиш мумкин.

«Хива Ичан қалъа» қабуллар уйи ҳам алоҳида меъморий қиёфага эга. Мажмуа расмий тадбирлар ўтказиш ва хорижий делегацияларни қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, лойиҳа қиймати 260 миллиард сўмни ташкил этади. Бино меъморчилигида Хоразмга хос маҳобатли ўймакор ёғоч устунлар, ганчкорлик санъати, кўк ва фируза рангли кошинлардан кенг фойдаланилган. Қабуллар уйи атрофида воҳанинг бой тарихини акс эттирувчи фотокўргазмалар ташкил этилган ва миллий ҳунармандчилик устахоналари фаолияти йўлга қўйилган.

Мангубердилари мангу Хоразм

Янги замонларнинг шону шуҳрати,
Сўнмас бу миллатнинг шаъну шавкати,
Токи уч минг йиллик давлатим бордир,
Янги авлодларга даъватим бордир:
Шайх ул Кубролари номига таъзим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Элнинг ор-номусин бедор айлаган,
Ёғийни жонидан безор айлаган.
Хокингдан бўстону чаман уйғонгай,
Ҳар томчи қонингдан Ватан уйғонгай.
Абадият сари айлаган азм,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Эй сен, «Авесто»ни яратган диёр,
Ғафлат дунёсига чанг солган илк бор.
Сен – олам кўргонин ёй деворисан,
Сен – қадим тамаддун пойдеворисан.
Форсийда айтсам гар: Ховари азим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Не деб сўйлар ҳамон Урганчу Гурганч?
Ҳар зарра кумингдир нурганжу, дурганж.
Эмасдир шунчаки ногаҳий бобо –
Огоҳ нигоҳингдир Огаҳий бобо.
Ярми олов, ярми кўзёш оразим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Муҳаммад Раҳимхон, Исломхўжалар,
Етти ёт юртлардан кутган муждалар,
Бир юз ўттиз йиллик армонларингдир,
«Сегоҳ»дай нолаю афғонларингдир.
Айтсам – овоз етмас, куйласам – созим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Мен ушбу кунларни асрлар кутдим,
Неча авлод, неча насллар кутдим.
Ватанга бир жону бир тан тимсоли –
Султон Жалолиддин – Ватан тимсоли.
Келар авлодларга қарзим ҳам фарзим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Фахр этсам арзигай билло, бағоят,
Кутган карвонларинг келди ниҳоят.
Ичан қалъаларинг – Ишонч қалъаларинг бўлди,
Дишон қалъаларинг – Жаҳон қалъаларинг бўлди.
Амударёлари абадий азим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Шу ўринда ҳар бир ўзгариш марказида инсон қадри ва унинг манфаати турганини таъкидлаш жоиз. Янги мажмуалар фаолияти натижасида қарийб 2 минг нафар фуқаро доимий иш билан таъминланади.

Президентнинг хоразмлик фаоллар билан мулоқотида ҳам кейинги йилларда воҳада рўй бераётган улкан ўзгаришлар, одамларнинг турмуш тарзи ва тафаккуридаги янгиланишлар ҳақида сўз юритилди. Қадимий Хоразм заминида Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик, тараққиёт ва янгиланиш руҳи тобора яққол намоён бўлаётгани таъкидланди. Бой тарих ва анъаналарни асраб-авайлаган ҳолда воҳани замонавий, обод ва фаровон ҳудудга айлантириш ишлари изчил давом эттирилиши қайд этилди. Давлат раҳбари янги мажмуалардан самарали фойдаланиш, Хивада йирик халқаро тадбирларни кўпайтириш, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Хоразм тарихда савдо-сотиқ, илм-фан, маданиятлараро мулоқот ва ташқи алоқалар учун очиқ бўлган даврларда юксалишга эришган. Буюк Ренессанслар ҳам очиқлик, илм-фан, маданиятлараро мулоқот ва тараққиёт муҳитида юзага келган. Дунё давлатлари билан дўстона муносабатларни ривожлантириш, туризм ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган сиёсат Хоразм учун янги имкониятлар эшигини очяпти.

– Президент ташаббуси билан Хоразм буюк ўтмишдан куч олиб, замонавий тараққиёт сари интилмоқда. Ичан қалъа деворларидан бошланган тарих энди замонавий аэропортлар ва темир йўлларга уланмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева. – Хоразм тарихда дунё билан боғланган эди, бугун эса яна дунёга очилмоқда. Шу маънода, Президентимизнинг «Бўлар экан-ку!» деган ибораси хаёлга келади. Шукур, йиллар давомида амалга ошмай қолган кўплаб орзулар аста-секин воқеликка айланмоқда.

Дарҳақиқат, Хоразм – бутун башарият тарихида юксак ўрин тутган, уч минг йиллар муқаддам давлатчилик маданияти шаклланган, ўз даврида Марказий Осиёгина эмас, Эрон, Ҳиндистон ва Европа халқлари билан иқтисодий, маданий ва сиёсий муносабатларда муҳим ўрин эгаллаган қадимий замин. Буюк алломалар, давлат арбоблари ва саркардаларга бешик бўлган юрт.

Аммо тарихнинг ҳам турли фасллари бор. Мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодий қийинчиликлар, оғир турмуш шароитлари одамларни жиддий ташвишга солгани, вилоят узоқ йиллар давомида ўз имкониятларини тўла намоён эта олмагани рост. Кейинги йилларда қабул қилинган оқилона қарорлар натижасида Хоразмнинг тарихий шаъни, нуфузи ва салоҳияти қайта намоён бўлаётир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу галги ташрифи ҳам ана шу ўзгаришларнинг кўлами ва мазмунини янада яққол кўрсатди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
facebook.com/ishonchofficial.uz
https://t.me/ishonchuz_official

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.
Абу Наср Форобий

Нуқтаи назар

ЕТАКЧИЛИК ТУҒМА ФАЗИЛАТМИ ЁКИ УНИ ЎЗЛАШТИРСА БЎЛАДИМИ?

Жамоатчилик асосида ишлайдиган касабақўм раисига осон эмас. У ташкилот раҳбаридан бемаслаҳат иш қилолмайди. Масалан, бирон-бир муаммони бошлиққа айтгани маъқулми ёки шунчаки жим тургани яхшими? Оч қорним – тинч қулоғим тутумига риоя этса, жамоанинг унга нисбатан ишончи сўнмайдими? Хуллас, вазифасига бўлган масъулияти уни ё бурд ёки бебурд қилади.

Тасаввур қилинг, икки корхонада айни бир хил муаммо – иш ҳақи кечиктириляпти. Биринчисида ишчилар ўзаро норозилигини пичирлаб гаплашади-ю, ҳеч ким расмий равишда мурожаат қилишга журъат этолмайди. Иккинчисида касаба уюшмаси вакили бир қадам олдинга чиқиб, далилларни йиғади, раҳбарият билан гаплашади, зарур бўлса, тегишли идораларга мурожаат қилади. Орадан бир ҳафта ўтиб, иккинчи корхонадаги муаммо ижобий ҳал бўлади. Биринчисида эса ҳамон жимлик ҳукм суради.

Хўш, уларнинг орасидаги фарқ нимада? Кўпчилик буни «Ҳа, у одам ўзи шундай туғилган-да», дея изоҳлаши мумкин. Аммо психология бунга бошқачароқ жавоб беради.

АЖДОДЛАРИМИЗ БУ ҲАҚДА НИМА ДЕГАН?

Етакчилик масаласи инсоният тарихи қадар қадимий мавзу. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида адолатли ва лаёқатли бошқарувчининг фазилатлари – донолик, сабр-тоқат, халқ манфаатини ўзиникидан устун қўйиш атрофлича тасвирланади. Асар шуни кўрсатадики, бизнинг аждодларимиз назарида етакчилик фақат мансаб ёки зот-насаб масаласи эмас, балки узоқ йиллик тарбия ва ахлоқий камолот натижасида шаклланадиган фазилат ҳисобланган. Алишер Навоий асарларида ҳам комил инсон тимсоли – адолат, жасорат ва масъулиятни ўзида мужассам этган шахс сифатида тасвирланади.

Демак, шарқ мутафаккирлари назарида хулқ-атвор тарбия ва ички изланиш орқали такомиллашиб борувчи жараён ҳисобланган.

Ғарб фалсафасида қадимги юнон мутафаккирлари, жумладан, Арасту, инсон фазилатларини «одат» маҳсули деб билган, яъни жасорат ёки адолатлилик каби сифатлар худди бир ҳунарни ўргангандек амалиёт орқали шаклланади. XIX асрда Ғарбда бир муддат «Буюк одамлар назарияси», деб номланган қараш кенг тарқалган эди. Унга кўра, раҳбарлар туғма фазилатлари билан ажралиб туради. Бироқ XX асрда олиб борилган илмий тадқиқотлар бу назарияни рад этди. Маълум бўлишича, тарихдаги буюк йўлбошчиларнинг фазилатлари бир хил «қолип»га сиғмайди, уларнинг ҳар бири турли шароит ва тажриба орқали шаклланган.

ИЛМ-ФАН НИМА ДЕЙДИ?

Замонавий психология фани бу саволга аниқ жавоб беради: етакчилик на тўлиқ туғма, на тўлиқ ўрганиладиган сифат. У иккисининг уйғунлигидан иборат. Инсонда муайян хусусиятларга туғма мойиллик бўлиши мумкин, лекин у ҳақиқий етакчилик кўникмасига айланиши учун, албатта, тажриба, ўрганиш ва амалиёт зарур. Хорижлик олимларнинг тадқиқотларига кўра, ташаббускорлик, яъни муаммони биринчи бўлиб кўтариш, ечим таклиф қилиш ва натижа учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш қобилияти келажакка йўналганлик ва қийинчиликларга қарамай, матонат билан ҳаракат қилиш каби белгилар билан тавсифланади. Муҳими, бу учала белги ҳам туғма хусусият эмас, балки амалиёт давомида ривожланувчи кўникмалар ҳисобланади. Бошқача айтганда, агар сиз табиатан тортинчоқ одам бўлсангиз, бу сизнинг ҳеч қачон дадил ва қатъиятли бўла олмаслигингизни англатмайди.

ТАШАББУС КЎРСАТИШДАН НЕГА ҚЎРҚАМИЗ?

Агар етакчилик ва дадиллик ўргатиладиган кўникма бўлса, нега кўпчилигимиз уни намоён этишдан чўчиймиз? Жавоб инсон табиатидаги энг қадимий ҳимоя механизмларидан бирида яширинган, яъни хавфдан қочиш инстинкти. Илгари бу инстинкт аждодларимизни йиртқич ҳайвондан сақлаган бўлса, бугун гарчи ҳеч қандай хатар бўлмаса-да, оддий бир йиғилишда сўз олишдан қайтариб қўяди. Психология фанида бу ҳодиса ижтимоий рад этилиш қўрқуви деган аниқ номга эга. Инсон учун жамоа томонидан рад этилиш, танқид қилиниш ёки «муаммо туғдирувчи», деб тамғаланиш гўё жисмоний хавфга тенг даражада оғриқли кечинма ҳисобланади.

Айниқса, агар ходим илгари бир марта фикр билдириб, у мазах қилинган, эшитилмаган ёки «Сенга шу керакмиди?» дея дакки эшитган бўлса, бу унинг хотирасида қолиб кетади. Кейинги сафар шунга ўхшаш вазиятга тушганда, худди куйган болакай оловдан қочганидек, у ҳам жим туришни афзал кўради. Бу заифлик эмас, балки табиий ҳимоя реакциясидир. Аммо шуни унутмаслик керакки, жимлик ҳам оқибатсиз қолмайди. Агар вакил муаммони кўтармаса, у ҳал бўлмайди, аксинча, катталашиб, кўпроқ ходимларга зарар етказади. Демак, масала қўрқувни йўқотишда эмас, балки уни бошқара олишдадир.

ИШ БЕРУВЧИ БОСИМИГА ДУЧ КЕЛГАНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Касаба уюшмаси ходимининг касбий фаолияти ўзига хос синовдир. У бир вақтнинг ўзида ҳам ташкилий одоб-интизомга риоя қилиши, ҳам зарур пайтда иш берувчи олдида ўз фикрини дадил билдира олиши керак. Муаммони очиқ кўтарган вакил кўпинча иш берувчи томонидан норозилик, совуқ муносабат ёки ҳатто босимга дуч келиши мумкин. Бу жараённинг табиий, кутилган қисми, шахсий мағлубият эмас. Бунга тайёр туриш ва уни олдиндан билиш унинг таъсирини сезиларли даражада камайтиради. Психологияда буни «Кутилаётган стресс» деб аташади. Агар инсон қийинчиликка тайёр бўлса, унга кутилмаган зарба эмас, ҳал қилиш мумкин бўлган вазифа сифатида қарайди.

Иккинчидан, ҳеч қачон якка ўзингиз курашманг. Далилларни ёлғиз йиғиш, ёлғиз музокара олиб бориш ва ёлғиз жавобгарликни зиммангизга олиш энг оғир йўлдир. Касаба уюшмаси қўмитаси, ҳамкасблар, юридик хизмат – барчаси сиз учун таянч бўлиши керак. Жамоавий позиция ҳар доим якка овоздан кучлироқ эшитилади ва иш берувчи ҳам уни жиддийроқ қабул қилади.

Учинчидан, ҳиссиётга эмас, далилга таянинг. Асабийлашиб, ҳужум оҳангида гапирган вакил кўпинча иш берувчининг ҳимояланиш реакциясини кучайтиради. Аксинча, аниқ далиллар ва қонун моддаларига таянган ҳолда гапирилган сўз, у қанчалик ноқулай бўлмасин, жиддийроқ қабул қилинади ва музокарани конструктив йўлга солади.

БОСИМ ЕТАКЧИЛИК ХУСУСИЯТИНИ СИНДИРАДИМИ?

Бу саволга жавоб бериш учун темирчилик санъатидан мисол келтирайлик. Пўлат оловда қизийди, болға зарбасини олади ва айнан шу жараён туфайли у мустаҳкам ва ўткир қуролга айланади. Агар пўлат оловга қўйилмаса, ҳеч қачон пичоққа айланмайди. Инсон психикаси ҳам шунга ўхшаш қонуниятга бўйсунади. Тўғри шароитда қабул қилинган қийинчилик кишини синдирмайди, аксинча, тоблайди. Илмий тилда буни «стрессга нисбатан иммунитет», деб аташади. Муваффақиятли енгиб ўтилган ҳар бир қийин вазият кейингиларига нисбатан чидамлиликни оширади.

Бироқ бунинг бир шарти бор. Зарба меъёридан ошиб кетмаслиги ва инсон ёлғиз қолдирилмаслиги керак. Худди темирчи пўлатни керагидан ортиқ қиздирса, уни синдириб қўйиши мумкин бўлганидек, инсон ҳам агар доимий, тўхтовсиз ва қўллаб-қувватловчисиз босим остида қолдирилса, руҳан чарчаши, ишончини йўқотиши мумкин. Аслида айни шу масала касаба уюшмаси тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу вакилни ёлғиз қолдирмаслик, унга ҳуқуқий ва маънавий таянч бўлишдир. Демак, ходим қўллаб-қувватланган ҳолда босимга дуч келса, синмайди, балки худди пўлатдек чиниқади.

ҚОБИЛИЯТ ТУҒМА БЎЛМАСА, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Аввало, кичик қадамлардан бошлаш лозим. Муаммони биринчи бўлиб овоз чиқариб айтиш, йиғилишда фикр билдириш, кичик ташкилий вазифани ўз зиммасига олиш – буларнинг барчаси дастлаб ноқулай туюлиши мумкин, лекин ҳар бир муваффақиятли қадам кейинги, каттароғи учун ички ишончни мустаҳкамлайди.

Иккинчидан, тажрибали ҳамкасблардан ўрганиш зарур. Уларнинг музокара олиб бориш услубини кузатиш, қандай саволлар беришини, қандай далиллардан фойдаланишини идрок этиш жуда фойдали.

Учинчидан, доимий ўз устида ишлаш – меҳнат ҳуқуқи, музокара олиб бориш ва нотиқлик санъати бўйича мавжуд ўқув имкониятларидан фойдаланиш энг ишончли йўл ҳисобланади. Ва ниҳоят, энг муҳими, хатодан қўрқмаслик керак. Зеро, ҳеч ким хатодан холи эмас. Аҳамиятлиси, хатодан сабоқ чиқариб, олдинга интилишда давом этиш.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Демак, етакчилик на туғма неъмат, нафақат баъзиларгагина насиб этадиган истисноли ҳолат. У изланиш, тажриба ва матонат натижасида ҳар бир инсонда шаклланиши мумкин бўлган фазилатдир. Ташаббус кўрсатишдан қўрқиш уят ёки заифлик белгиси эмас, табиий инсоний ҳолат. Уни енгишнинг йўли қўрқувни тан олиш, унга тайёр туриш, ёлғиз эмас, жамоа билан ҳаракат қилиш, ҳиссиётга эмас, далилга таянишдан иборатдир. Иш берувчининг босимига тўғри ёндашилса ва орқада ишончли таянч бўлса, сизни синдирмайди, аксинча, янада қатъиятли, тажрибали ва ишончли вакилга айлантиради.

Шарқ мутафаккирлари буни узоқ йиллик тарбия ва ахлоқий камолот жараёни деб билган бўлса, замонавий фан аниқ илмий далиллар билан тасдиқламоқда. Касаба уюшмалари тизимида етакчи бўлиб фаолият юритувчи ҳар бир ходим учун бу умидбахш хабардир.

Бугун журъат этиб кўтарган қўлингиз, дадил чиққан овозингиз эртага бутун жамоа учун адолат сари ташланган мустаҳкам қадам бўлади. Ишонинг, бу сизни тоблайди.

Ҳаётжон ШАРИПОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси

Маънавият

ХОДИМ МАНФААТИ ИШ ҲАҚИ БИЛАН ЧЕКЛАНМАЙДИ

Тошкент вилоятида касаба уюшмалари томонидан инсон қадрини улуғлаш, меҳнат жамоаларида соғлом маънавий муҳитни таъминлаш борасида қатор ишлар қилинмоқда.

Шу мақсадда, жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари асосида 12 минг нафарга яқин ходим «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Зомин ҳамда Тошкент вилоятининг тарихий обидалари ва муқаддас қадамжоларига саёҳат қилди. Бу зиёратлар уларнинг юртимиз тарихи, миллий мероси ва мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақидаги тасаввурларини янада бойитди.

Маданий-маърифий тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Йилнинг биринчи ярмида қарийб 13 минг нафар ходим концерт, театр ва музейларга бориб, маданий тадбирларда иштирок этди.

Жамоаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Байрамлар муносабати билан ташкил этилган спорт фестиваллари, «Касаба уюшмаси кубоги» мусобақалари ва «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасидаги беллашувларда 22 мингга яқин педагог ҳамда 3,5 мингдан ортиқ тиббиёт ходими қатнашди. Мини-футбол, волейбол, стол тенниси ва шахмат мусобақалари меҳнат жамоаларида аҳиллик, жамоавийлик ва соғлом рақобат муҳитини янада кучайтирди.

Байрам ва бошқа муҳим саналар муносабати билан «Мурувват» ва «Саховат» уйларида яшаётган кексалар ҳолидан хабар олиниб, маданий тадбирлар уюштирилмоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида эса оилавий меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўғил-қизлар учун «Янги Ўзбекистоннинг бахтли болалари» мавзусида байрам дастурлари ўтказилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятдаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида уч минг мартадан зиёд маънавият ва маърифат соатлари ўтказилиб, уларга салкам 178 минг нафар ишчи-ходим жалб қилинди.

Албатта, биз эришилган натижалар билан чекланиб қолмаймиз. Олдимизда китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, театр ва музейларга ташрифларни кўпайтириш, зиёлилар билан учрашувлар ҳамда маърифий лойиҳаларни янада кўпайтириш каби вазифалар турибди.

Баҳодир ХОЛМУРЗАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудири



Заковат

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА СИНОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ўртасида ўтказиб келинаётган навбатдаги «Касаба билимдони» интеллектуал ўйинида таълим ходимлари иштирок этди.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда иштирокчилар нафақат билим, балки тезкор фикрлаш, зукколик ва жамоавий ҳамжиҳатлик борасида ҳам ўз қобилиятларини синовдан ўтказдилар. Беллашув шартлари доирасида иштирокчилар турли мавзулардаги тест саволларига жавоб бериш, кинолавҳаларни топиш, меҳнат қонунчилигига оид масалаларни таҳлил қилиш ҳамда турли касбларга тааллуқли мантиқий саволларга жавоб топишди. Айниқса, меҳнат муносабатлари ва ходимларнинг ҳуқуқларига оид саволлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– «Касаба билимдони» ўйини биз учун оддий беллашув эмас, балки кундалик фаолиятимизда зарур бўладиган билимларни яна бир бор мустаҳкамлаш имкониятидир, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Риштон тумани кенгаши раиси Эркинжон Абдуллаев. – Жараён касаба уюшмаси фаолиятининг турли йўналишларини қамраб олгани билан аҳамиятли. Айниқса, меҳнат қонунчилигига оид саволлар биз учун жуда муҳим, чунки ходимларнинг меҳнат ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда қонунчиликни яхши билиш катта аҳамият касб этади.

«Касаба билимдони» каби интеллектуал лойиҳалар касаба уюшмаси фаолларининг ҳуқуқий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, жамоада ишлаш ва тезкор қарор қабул қилиш кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бундай тадбирлар иштирокчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ўзаро тажриба алмашиш ва касаба уюшмаси тизимида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Аброржон ОТАБОЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Жамоатчилик назорати

УЧ МИЛЛИАРД СЎМДАН ЗИЁД ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Жондор ва Шофиркон туманлари тиббиёт бирлашмаларида ўтказилган жамоатчилик назорати давомида ходимларга иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаётгани аниқланди.

Ваҳоланки, амалдаги тартибга кўра, иш ҳақи ой давомида икки марта, маълум муддат оралиғида берилиши шарт. Бироқ текширув вақтига қадар тиббиёт ходимлари бир неча ойлик маошларини ололмаган эди.

Муаммога зудлик билан ҳуқуқий баҳо берилиб, масъулларга тақдимнома киритилди ва қоидабузарлик бартараф этилди. Натижада Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг 335 нафар ходимига 1 миллиард 125 миллион сўмдан ортиқ, Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмасининг 763 нафар ходимига эса қарийб 1 миллиард 958 миллион сўм миқдоридаги кечиктирилган иш ҳақлари тўланди. Шундай қилиб, касаба уюшмаси аралашуви туфайли жами 1098 нафар тиббиёт ходимига 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундириб берилди.

Ҳамро ЧОРИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Касаба уюшмаси аралашгач...

ҒАЙРИҚОНУНИЙ БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Навоийлик Шаҳзод Нормуродов «1 FIT-APP» МЧЖда ҳамкорлар билан ишлаш менежери сифатида меҳнат қилиб келаётган эди. Аммо кутилмаганда Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 5-банди билан ишдан бўшатилди.

Ушбундан норизо бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашига арз қилди.

Мурожаат атрофлича ўрганилди. Ҳужжатлар таҳлил қилинди, ишдан бўшатиш ҳолати ва унга асос қилинган важлар кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, ходим меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузган, деган асос билан ишдан бўшатилган экан.

Касаба уюшмаси томонидан низони судгача ҳал этишга ҳаракат қилинди. Аммо музокаралар ижобий натижа бермади. Пировардида ходимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво-ариза киритилди.

Бу ишда Меҳнат кодексининг 174-моддаси муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Унга кўра, меҳнат низосини кўриб чиқиш жараёнида меҳнат шартномаси бекор қилинганининг қонунийлигини исботлаш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юкланади. Яъни ходим ўзининг ноҳақ ишдан бўшатилганини исботлаш учун барча масъулиятни ёлғиз ўзи кўтариши шарт эмас. Аксинча, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда қонун талабларига амал қилинганини асослаб бериши лозим.

Суд ишни ҳар томонлама, холисона ўрганди. Тақдим этилган далиллар, ишдан бўшатишга асос бўлган ҳолатлар ва тарафларнинг важлари атрофлича кўриб чиқилди. Натижада буйруқ ғайриқонуний, деб топилди. Шунингдек, иш берувчидан ходим фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари учун 31 миллион 567 минг 565 сўм иш ҳақи ҳамда 7 миллион сўм маънавий зарар ундириш белгиланди.

Алишер РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.
Абу Райҳон Беруний



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯНГИ ЎСИШ НУҚТАСИ

Кечагина асосан саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожлангани билан тилга олинган Наманган вилояти бугун бутунлай янги қиёфада намоён бўлмоқда. Бепоён тоғ бағирлари, мусаффо табиат, бой тарихий мерос ва замонавий туристик мажмуалар уйғунлашган ҳудуд тобора Марказий Осиёнинг энг жозибадор саёҳат манзилларидан бирига айланиб бормоқда. Муҳими, туризм эндиликда фақат меҳмонларни жалб этадиган соҳа эмас, балки юзлаб инвестиция лойиҳалари, минглаб янги иш ўринлари ва миллионлаб долларлик экспорт тушумларини таъминлаётган иқтисодий драйвер вазифасини бажармоқда.

Вилоятдаги 14 та шаҳар ва туманнинг олтитаси тоғолди ҳудудда жойлашган. Бу табиат масканларида йилнинг тўрт фасли ҳам бетакрор манзара касб этади. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу бой имкониятлардан самарали фойдаланиш натижасида экотуризм туризм сиёсатининг энг муҳим йўналишига айланмоқда. «Arashan Resort» лойиҳаси бунга мисол бўла олади.

Қиймати 150 миллион долларни ташкил этадиган ушбу мажмуа 600 гектар майдонда бунёд этилмоқда. У тўлиқ ишга тушгач, кунига 2,5 минг, йилига эса 912 минг нафар сайёҳга хизмат кўрсатади. Натижада 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Бу ерда экологик ва тоғ туризми объектлари, гастрономик марказлар, тематик парклар, чанғи трассалари, зиплайн, термал бассейнлар, очиқ осмон остидаги кинотеатр, экобозор ҳамда болалар майдончалари қурилиши режалаштирилган. У Японияннинг нуфузли «NGEA – Nippon Global Education and Assessment» компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилмоқда.

РАҚАМЛАР ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ КЎРСАТМОҚДА

Албатта, туризм соҳасидаги энг муҳим мезон – натижа. Бу борада Наманганда ўсиш суръатлари жуда юқори. Агар 2020 йилда вилоятга атиги 4,6 минг нафар хорижлик меҳмон ташриф буюрган бўлса, 2024 йилда уларнинг сони 510 минг нафарга етди. Туризм хизматлари экспорти ҳажми эса 1,82 миллион доллардан 190,8 миллион долларгача ошиб, 105 баробар ўсди. Илгари сайёҳлар ўртача 1,5 кун тўхтаган бўлса, бугун бу кўрсаткич 3-5 кунга етди. Бу эса меҳмонхона, умумий овқатланиш, транспорт, савдо ва кўнгилочар хизматларга бўлган талабни сезиларли даражада оширмоқда.

Наманган туризм бренди ҳақида сўз кетганда, аввало, Халқаро гуллар фестивали ҳақида сўз юритмасликнинг иложи йўқ. Зеро, оддий гуллар кўргазмаси сифатида бошланган мазкур тадбир бугун бутун дунё эътиборини жалб этаётган маданий воқеликка айланди. Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилдан фестиваль халқаро мақомга эга бўлди. Натижалар эса эътиборга молик. Ўша вақтда фестиваль уч кун давом этган бўлса, бугун унинг давомийлиги 50 кунга етди. Хорижлик меҳмонлар сони 25 мингдан 1 миллион 100 минг нафаргача, маҳаллий сайёҳлар эса 7,5 миллион нафардан ошди.

Фестиваль кунларида кўрсатилган хизматлар ҳажми 8 триллион сўмдан зиёдни ташкил этди. Бу рақамлар у нафақат маданий тадбир, балки иқтисодий драйверга ҳам айланганини кўрсатади. Наманган шаҳрининг 45 та маҳалласи гулчиликка ихтисослаштирилиб, 21 минг киши доимий иш билан таъминланди. Қўшимча 300 миллиард сўмлик даромад олина бошлади. Меҳмонхона, транспорт, ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қарийб 100 мингта мавсумий иш ўринлари очилди.

Айни пайтда вилоятда туризмни янада диверсификация қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Норин ва Сирдарё соҳилларида «Соҳилбўйи туризми» шакллантирилмоқда. Тўрақўрғонда ташкил этилган гастрономик ҳудуд бир кунда 2 минг нафар меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга.

Дарвоқе, Ахсикент археологик ёдгорлигини «очиқ осмон остидаги музей»га айлантириш лойиҳаси ҳам тарихий туризм ривожида муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳа амалга ошгач, мажмуага ташриф буюрувчилар сони 10 баробар ошиб, йилига 500 минг нафарга етиши кутилмоқда. Чортоқда эса машҳур маъданли сув манбалари негизида яна тўртта йирик сиҳатгоҳ ташкил этилиши тиббий туризм имкониятларини янада кенгайтиради.

ИНФРАТУЗИЛМА – ТУРИЗМНИНГ ТАЯНЧИ

Бугунги кунга келиб, сайёҳлар оқими кўпайиши билан меҳмонхона инфратузилмасини ривожлантириш ҳам устувор вазифага айланди. 2025 йилда янги меҳмонхоналар, хостеллар ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиб, жойлар сони 11 мингтага етказилди. Янги Наманган шаҳарчасида қиймати 114 миллиард сўмлик замонавий тўрт юлдузли меҳмонхона қурилиши бошланди. Бундай масканлар нафақат қулай шароит яратади, балки халқаро туристик бозорда Наманганнинг рақобатбардошлигини ҳам оширади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, водийда туризм соҳаси эндиликда оддий хизмат кўрсатиш тармоғи эмас. У иқтисодиётнинг янги ўсиш нуқтасига айланмоқда. Йўналтирилаётган инвестициялар янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнесни ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш ва аҳоли даромадини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Яқин икки-уч йил ичида туризм хизматлари экспортини 300 миллион долларга етказиш белгиланган ҳам соҳага қаратилаётган эътибор юқори эканини кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, Наманганда туризмни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, йирик инвестиция лойиҳалари ва замонавий инфратузилманинг бунёд этилиши мамлакат тараққиётининг амалий натижасидир. Бу ўзгаришлар янги иш ўринлари кўпайиши, аҳоли фаровонлиги ошиши, тадбиркорлик имкониятларининг кенгайиши ва ҳудуд иқтисодиётининг барқарор ўсишида ўз ифодасини топмоқда.

Ҳасанбой ХОЖАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши раиси

Нуқтаи назар

Чорвачилик: СОН МУҲИММИ, СИФАТ?

Мен ҳозир Қашқадарё вилояти ҳамда қашқадарёликлар ҳаёти билан боғлиқ гўшт ва чорва ҳақидаги латифа-ю, гуруғлар ҳақида сўзлаб бермоқчи эмасман. Уларнинг қанчалик ҳақиқатга яқини узоқлигини тушунтиришга ҳам уринмайман. Аммо бир жиҳати ростки, азалдан Қашқадарё вилояти аҳлининг турмуш тарзи, иқтисодий ҳаёти чорвачилик билан уйқаш бўлиб келган.

Бугун ҳам мазкур тармоқ вилоят қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг энг катта улушини таъминламоқда. Кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, наслчиликни яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ёшларни соҳага жалб этишга қаратилган ташаббуслар чорвачиликда янги босқични бошлаб берди. Бироқ бу ўзгаришлар ортида ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган жиддий масалалар ҳам мавжуд.

Келинг, мутасадди ташкилотлар маълумотларига диққат қаратамиз: 2025 йил якунида Қашқадарё вилоятида 1 миллион 795 минг бош қорамол, 5 миллион 231 минг бош қўй-эчки боқилган. Бир йил давомида 347 минг тонна гўшт, қарийб 1 миллион 395 минг тонна сут, 583,8 миллион дона тухум, 2 минг 645 тонна асал ҳамда 4 минг 637 тонна балиқ етиштирилган.

Бу рақамлар соҳада ўсиш суръати сақланаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланаётган бўлса-да, тухум ва балиқчилик йўналишида ҳали катта захиралар мавжуд.

Жорий йилда хориждан 1922 бош қорамол ва 24014 та қўй ва эчкилар олиб келинган. Чорва молларининг зотини яхшилаш мақсадида 190 минг бош сигир сунъий уруғлантирилган, наслчилик хўжаликлари томонидан аҳоли ва фермер хўжаликларига 1,1 минг бош наслли қорамоллар тайёрлаб берилган.

Вилоятдаги қорамолларнинг 89 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 80 фоизи аҳоли хонадонларида сақланади. Бу бир қарашда ижобий ҳолатдек кўринади. Чунки аҳоли ўзини ўзи банд қилмоқда, даромад топмоқда. Аммо тармоқнинг энг оғриқли муаммоси ҳам айнан шу ерда бошланади. Кўпчилик хонадонларда ем-хашак етиштириш учун ер майдони чекланган. Ҳудуд учун сув танқислиги йилдан-йилга жиддий масалага айланиб бораётгани эса озуқа етиштириш имкониятларини янада қисқартирмоқда. Натижада ем-хашак нархи ошиб, маҳсулот таннархи юқорилаяпти.

Демак, бугун чорвачиликнинг келажаги энди мол бошини кўпайтиришда эмас, ҳар бир бош молдан олинадиган маҳсулдорликни оширишда. Давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган йиғилишларда ҳам вилоятда озуқа базасини мустаҳкамлаш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва яйловлардан самарали фойдаланиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ана шу нуқтаи назардан Чироқчи тумани тажрибаси эътиборга молик. Гап шундаки, сўнгги йилларда ҳудудда Қирғизистон ва Мўғулистондан юқори маҳсулдор қўйлар олиб келиниб, маҳаллий наслни яхшилаш ишлари кенгайди. Тумандаги соҳа мутахассиси Мойли Ҳайдаровнинг маълум қилишича, ўтган йили туманга қарийб 3 минг бош қорамол ва 4 минг бошга яқин майда шохли чорва хориждан олиб келинган. Жумладан, «Паканди» маҳалласида яшовчи чорвадор Тўлқин Омонқулов ҳам бу имкониятдан унумли фойдаланган тадбиркорлардан.

– Қирғиз Республикасидан «Эдилбой» зотли 40 та қўй олиб келдик, – дейди у. – Натижа эса кутганимиздан ҳам яхши. Бу зот иқлимимизга ҳам тез мослашди. Ҳозир ҳар бир совлиқдан бир йилда икки-уч бошгача қўзи оляпмиз. Ҳолати кўнгилдагидек. Шу сабаб уларни яна кўпайтириш ниятимиз бор.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг ёшлар бандлигига хизмат қилаётганидир. Косон туманида Президентнинг ёшларга ер ажратиш бўйича қарори асосида юзлаб ёшлар ўз тадбиркорлигини бошлади. «Майдаёбу» маҳалласи бугун ана шу ислоҳотларнинг амалий натижасини яққол кўрсатаётган ҳудудлардан бирига айланди.

Илҳом Эшқобилов аввал хорижда меҳнат қилган. Унга ҳам бир гектар ер ажратилгач, қишлоғига қайтган. Имтиёзли кредит ҳисобига қудуқ қаздириб, қуёш панели ўрнатган, ем-хашак етиштиришни йўлга қўйиб, қўйчиликни ривожлантиришга киришган.

– Аввал 15 бош қўй олдим. Бугун улар кўпайиб, мазкур соҳа мен учун барқарор даромад манбаига айланди, – дейди у.

Бугун «Майдаёбу» маҳалласида эллик нафардан ортиқ ёшлар айнан шу йўл орқали ўз тадбиркорлигини изга тушириб олишди.

Бу бир ҳудуддаги кўриниш, албатта. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят чорвачилиги ҳали тўлиқ саноатлашган тармоққа айланмаган. Асосий маҳсулот хомашё кўринишида сотилмоқда. Гўштни қайта ишлаш, сут маҳсулотлари, жун ва тери саноатини ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш каби йўналишларда ҳали ишга солинмаган имкониятлар бисёр.

Мутахассисларнинг фикрича, агар ем-хашак етиштириш, наслчилик, ветеринария хизмати ва қайта ишлаш занжири бир тизим сифатида ривожлантирилса, соҳанинг иқтисодий самарадорлиги бир неча баробар ортиши мумкин. 2026 йил якунига бориб вилоятда қорамоллар сонини 1 миллион 840 минг, қўй-эчкиларни эса 5 миллион 363 минг бошга етказиш режалаштирилган. Лекин бугунги кунда энг муҳим вазифа янада кўпроқ чорва боқиш эмас, балки ҳар бир бош молнинг маҳсулдорлигини оширишдир.

Қашқадарё чорвачилиги айнан шу танлов олдида турибди. Агар эътибор фақат сонга қаратилса, муаммолар ҳам шунча кўпаяди. Аксинча, сифат, илм-фан, инновация ва иқтисодий самарадорлик устувор бўлса, воҳа нафақат мамлакатнинг етакчи чорвачилик ҳудуди сифатида мавқеини сақлаб қолади, балки экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий агросаноат марказига дўниши мумкин.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Экспорт

ДУБАЙ ДЎКОНЛАРИДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

Ўзбекистон мевалари хориж бозорларида алоҳида қадрланади. Кўплаб улгуржи бозорларда харидорлар, биринчи навбатда, Ўзбекистондан келтирилган маҳсулотни излашади. Бунга асосий сабаб меваларнинг табиий ширинлигида. Шу боис «Made in Uzbekistan» бренди халқаро бозорларда ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Ҳозир Фарғона вилоятида 55 минг гектар боғ ва токзор мавжуд. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдан 3 минг тоннадан зиёд узум, 6,4 минг тонна олхўри, 13,7 минг тонна ўрик ва 44,8 минг тонна шафтоли экспорт қилинди. Бу рақамлар Фарғонанинг мамлакат экспорт салоҳиятидаги ўрни йил сайин ўсиб бораётганидан далолат беради.

Аввалларидеҳқон учун маҳсулотини хориж бозорига олиб чиқиш анча мушкул эди. Экспорт билан боғлиқ ҳужжатлаштириш, логистика ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари чекланган боис кўпчилик ҳосилини воситачиларга арзон нархда сотишга мажбур бўларди.

Бугун вазият мутлақо бошқача. Экспорт инфратузилмаси изчил ривожланмоқда. Замонавий агрологистика марказлари, саралаш ва қадоқлаш қувватлари, музлаткичли омборхоналар барпо этилди. Экспорт жараёни билан боғлиқ кўплаб хизматлар рақамлаштирилди. Бу эса деҳқон ва фермерларга маҳсулотларини халқаро талаблар асосида, тўғридан-тўғри ташқи бозорларга чиқариш имконини бермоқда.

Фарғона мевалари нафақат қўшни давлатлар, балки Европа давлатлари, Хитой, АҚШ ва бошқа узоқ мамлакатлар бозорларига ҳам етказиб берилмоқда.

Меваларнинг сархиллари эса Қувада етиштирилади. Табиийки, деҳқонга яхши харидор керак. Айни пайтга қадар тумандаги 38 та экспортёр корхона томонидан 11 мамлакатга умумий қиймати 8 миллион долларлик гилос ва ўрик экспорт қилинди.

Олтиариқ туманида эса узумчилик билан бир қаторда, маҳсулотни сақлаш инфратузилмаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бу йил қўшимча 6500 тонна сиғимга эга еттита замонавий омборхона ишга туширилди. Илгари битта экспортга кўмаклашувчи марказ фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда уларнинг сони учтага етди.

– Олдинлари узумни узоқ муддат сақлаш имконияти чекланган учун ҳосилни тезроқ сотишга мажбур бўлардик, – дейди олтиариқлик деҳқон Нуриддинжон Исмоилов. – Кўпинча олибсотарлар таклиф қилган нархга кўнишдан бошқа чорамиз қолмасди. Айни пайтда вазият бутунлай ўзгарди. Замонавий омборхоналар ишга туширилди, экспорт билан боғлиқ барча жараёнлар енгиллашди. Энди деҳқонда «Ҳосилни қаерга сотаман?», деган ташвиш йўқ. Экспортга кўмаклашувчи марказлар кеча-ю кундуз ишлаб турибди, барча ҳужжатлар «Бир дарча» тамойили асосида тез ва ортиқча оворагарчиликларсиз расмийлаштирилади. Баҳор ҳавоси инжиқлик қилмаса, меҳнатимиз албатта ўз самарасини беради.

Шартномалар «Онлайн-оферта» тизими орқали расмийлаштириляпти. Бу маҳсулот етиштирилишидан тортиб, уни йиғиш, қадоқлаш ва юклаш жараёнларини масофадан туриб кузатиш имконини беради.

Ўтган йили Фарғона вилоятида етиштирилган мева-сабзавотлар дунёнинг 60 мамлакатига йўналтирилди. Биргина гилос экспортининг ўзи 29,8 миллион долларни ташкил этди.

Данғара туманидаги «Саодат кўркам боғистон» фермер хўжалиги раҳбари Фарҳоджон Давидовнинг айтишича, тўрт йил аввал 10 гектар майдонда барпо этилган ўрик, шафтоли, олхўри боғлари бугун юқори ҳосил бермоқда. Меваларнинг деярли барчаси хориж бозорларига экспорт қилинмоқда.

– Уч гектар олхўризорнинг гектаридан 30 тоннадан ҳосил олдик ва килограммини 3-3,5 доллардан экспорт қилдик, – дейди фермер.

– Шафтолизорим бор. Ҳар йили ҳосил пишиб етилмасиданоқ экспорт билан шуғулланувчи корхоналар келиб, маҳсулотимизни сотиб олиш бўйича шартнома тузишади. Шунинг учун ҳосилни қаерга сотаман, деган ташвиш йўқ, – дейди боғбон Рустамжон Алихўжаев.

Бешариқлик Ҳусниддин Собиров ҳам деҳқончиликни, ҳам ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлардан.

– Туманимизда боғдорчилик билан шуғулланадиган деҳқонлар талайгина, – дейди у. – Айниқса, ўрик боғлари кўп. Бу мевага эса хорижда талаб катта. Шунинг учун уни деҳқонлардан олиб, экспортбоп маҳсулотга айлантириб, хорижга сотяпмиз. Хонадонимизда қадоқланган ўрик баргаги, бодом, ёнғоқ маҳсулотлари Дубай дўконларида ҳам харидоргир.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



ЭЪЛОН

2011 йил 2 август куни вафот этган, вафотига қадар Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, «Соктари» ҚФЙ. Явожини Боло қишлоғида яшаган Эргашова Раънонинг мол-мулкига мерос иши очилганлиги маълум қилинади. Мерос-хўрлар Ғиждувон шаҳар марказида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи «Комил нотариал идораси»га мурожаат қилишлари сўралади.

Сўзнинг ёмони амал қилинмай бекор кетганидир.
Абу Али ибн Сино

Уйғоқ ўй

УНУТИЛАЁТГАН ҲАЁТИЙ ОБРАЗЛАР

ёхуд кечаги «Уч дугона» ва бугунги хорижда «бахтини топган» таннозлар ҳақида мулоҳазалар

2013 йили Ўзбекистон давлат консерваториясида бастакор ва моҳир созанда, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаевнинг юз йиллиги нишонланди. Бу ижодкорнинг санъатимиз тарихидаги ўрни ҳаммага маълум. «Раъно», «Гулноз», «Ёшлар вальси» каби ўнлаб куйлари ўзбек мусиқа санъатининг олтин фондига кирган, ўзимизда ҳам, хорижий томошабинлар олдида ҳам рақслар концерти у кишининг «Дилхирож»исиз ўтмайди...

Ўша юбилей кечасида мен нафақат ўзбек, балки жаҳон мусиқа санъати тарихида ҳам такрорланиши маҳол бир ҳодисага гувоҳ бўлгандим. Атоқли санъаткорлар ва мусиқашунос олимлар минбарга чиқиб сўз айтгани, ёш ижодкорларнинг Муҳаммаджон Мирзаев куйларини чалиб, ашулаларини ижро этганлари – табиий, одатий ҳол. Аммо бир маҳал минбар ёнига шахдам қадам ташлаб, бир онахон келди.

– Мен Намангандан, Поп туманиданман, азизлар, – деди у. – Ёш пайтимизда Ширмоной опа раис бўлган колхозда ёшлар бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаганман. Бир куни, культивация даври эди, тракторни даладан чиқариб, шийпон ёнига миниб келаётсам, сўрида икки меҳмон ўтирганини кўрдим. Тракторни олисроқда тўхтатиб, ерга тушдим, тап-тап ер тепиб, этик чангини қоққан бўлдим, ариқдаги сувда қўл ювиб, уларнинг ёнига яқинлашдим.

– Салом, она қизим, – деди улардан бўйи пастроқ бир киши мен билан қўл бериб сўрашаркан. – Мен шоир Туроб Тўла бўламан, мана бу киши эса машҳур бастакоримиз Муҳаммаджон ака Мирзаев. Биз икков Попга сиздай қизларимиз ҳақида асар яратиш ниятида келдик. Раиса билан гаплашдик, энди ҳар биringиз билан кўришиб суҳбатлашмоқчимиз...

Ҳаяжон босиб, домлага ўшанда нима деб жавоб қилганимни ҳозир эслай олмайман, аммо ҳаётимда бу жуда улуғ воқеа бўлган эди. Орадан кўп ўтмай, «Уч дугона» деган қўшиқни эшитдик. Мана, орадан эллик беш йил ўтди. Бугун Ширмоной опа орамизда йўқ. Аммо биз – ўша уч дугона, Худога шукур, сизларнинг ҳузурингиздамиз...

Шундан кейин Муножот Йўлчиева ва унинг уч нафар шогирди саҳнага чиқиб, ўша машҳур «Уч дугона» қўшиғини ижро этишди:

Сарҳовузнинг бўйларида учармі ғоз,
Чаман бўлур уч дугона қилса парвоз.
Уч дугона, уч моҳирўй, уч пахтакор,
Уч даламиз таровати, уч сарвиноз!
Попнинг попук қизларига ялли-ялли,
Ширмонойнинг изларига ялли-ялли.

Қўшиққа профессионал раққосалар эмас, етмишнинг нари-берисидаги уч дугона – уч кампир ўйинга тушди. Бунга бироз уйқаш ҳолни мен Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасида ўқиган эдим. Қоплон ака дала йўлида кетаётса, ёмон одамларнинг қутқуси билан араздашиб, акасининг уйига кетиб қолган хотини келаётганини кўради.

«Сўқмоқда бир қизил кийим кўринди, – деб ёзган эди адиб. – Бошида дока рўмоли бўлди. Қўлида саватча бўлди. Одимлари вазмин-вазмин бўлди. Бу, асл қўшиқнинг ўзи бўлди! Асл қўшиқ турганда муҳаммас қўшиққа йўл бўлсин! Асл қўшиққа тараф йўқ!»

Ҳа, шундай. Бу уч дугона – асл қўшиқ эди. Шу шеър, шу куй уларга аталиб дунёга келган эди. Гарчи бу онахонлар, жуда унақа, муқомини келтириб, хиром айлаган бўлишмаса-да, мени бошқа нарса ҳайратга солди, ҳатто тонг қолдирди: қизлар исми қўшиб айтиладиган ашулалар сон-саноқсиз, буни ҳамма билади. Бироқ бу уч пахтакор қизга атаб ёзилган шеър қўшиққа айлангач, орадан оз эмас-кўп эмас, нақ эллик йил вақт ўтибди. Ўзларига бағишланган қўшиққа илк бор йигирма ёшда, мана энди эса етмишдан ошган пайтида, орадан роса ярим аср ўтгач – яна учов бирга саҳнага чиқиб, «ўз ашулалари»га шодумонлик билан рақс тушгани жаҳон санъати тарихида яна учрармикин?

Бу жарангдор, ёқимли қўшиқни мен бола вақтимда эшитганман. Олтмишинчи йилларнинг ўрталари. Ёз боши. Жаннатмонанд Арслонбоб қишлоғи сайл қилиб келган неча юзлаб меҳмон билан гавжум. Улкан дара бўйлаб майин, аммо жарангдор қўшиқ таралади:

Эй, субҳи сабоҳ еллари, тўхтанг,
менга навбат,
Тингланг мени Поп ерлари, тўхтанг,
менга навбат!

Бутун дара, унинг бағридаги барча одам шу қўшиқ оғушида... Улар шу сўлим табиат бағрига жимир-жимир ҳовури осмонга ўрлаган кенг пахтазор далалар бағридан келишган, яйраб дам олишяпти. Бундай муҳитда бунақа дилбар қўшиқ одамнинг қулоғидан кириб, кўнгли тубидан жой топар экан.

Бир маҳаллар шоиру олимлар, бастакору рассомлар далаларга, завод цехларига, тоғдаги чўпонлар ёнига биргалашиб боришган, меҳнат азаматлари билан суҳбатлашган, улар ҳақида асарлар ижод қилишган, шундай анъана шаклланган. Бу – яхши нарса эди.

Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Аброр Ҳидоятов» портрети рассомлар ва актёрлар орасидаги қалин ўзаро алоқалардан шоҳидлик берса, Александр Волковнинг «Пахта теримида» асари биз эслатаётган нарса – ишлаб чиқариш илғорлари ҳузурига бориб, уларнинг меҳнатини тараннум этишига мисолдир.

Иши гуриллаган, даромад оқиб келиб турган аллақайси банк ютуқларини, омадли спортчиларни, таниқли бизнесменларни «кўтар-кўтар» қилиш расм бўлган ҳозирги даврда адабиёт ва санъат аҳли томонидан меҳнат кишиларини эъзозлаш урфдан қолди. Ҳолбуки, қандай шароит бўлмасин, қанақа тузум бўлмасин, бизни едириб-ичирадиган, кийинтирадиган, уй-жойлар қуриб берадиган, бунинг учун қаҳратон совуқда ҳам, жазирама иссиқда ҳам даласидан бери келмайдиган деҳқонлар, кон ишчилари, ҳар бир ҳовуч пахтанинг чигитини айириб, газмолга айлантиргунча минг бир чиғириқдан ўтказадиган бофандалар, ҳатто юз метрдан баланддаги кўтарма кранда ишлаётган қурувчилар, уйқудан кечиб тепловоз бошқараётган машинистлар... асл қаҳрамонларимиз бўлиши керак эмасми? Оғир ва ҳалол меҳнат кишилари «унутилиб», уларнинг ўрнига «қора седана ёғи»ни реклама қиладиганлар ёки эри билан уришиб, чет элга кетиб қолган ва ўша ёқдан «бахтини топган» таннозлар кун қаҳрамонларига айланадиган юртдан барака қочади, қут узоқлашади, файз камайиб кетади.

Биз ҳозир адабиёт, санъат, маданият соҳалари одамларининг ҳамкорлиги кўнгилдагидай давом этяпти, янада ривожланяпти, деб айта оламизми? Қайдам. «Уч дугона» қўшиғи бир шоир ва бир бастакор ҳамкорлигининг тотли меваси эди. Инчунин, ҳозир ҳайкалтарошу рассомлар, бастакор ва шоирлар бир-бири билан аввалги устозлар каби аҳил-иноқ дея оламизми? Ана, Ғафур Ғулом билан Юнус Ражабийнинг ораси қанча қалин бўлган!

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Галина Долгаянинг «Все, что предрешено судьбой» («Тақдири азал») деган қиссасини ўқиб чиқдим. У ўзбекнинг энг фидойи фарзандларидан бири профессор Ҳамид Сулаймон ҳаёти ҳақида. Бу адиба бизга устоз олимни яқиндан таништиради. «Устоз», «алома» деяверар эканмизу аммо яқиндан билмас эканмиз.

Китобни ўқиб бўлгач, ўйлаб қолдим. Қори Ниёзий, Лазиз Азиззода, Мирзакалон Исмоилий, Сулаймон Азимов, Иброҳим Ҳамробоев каби юзлаб улуғларимиз бор. Ҳар биринг ҳаёти романларга арзийди. Аммо улар ҳақида роман тугул, биографик очерклар ҳам сийрак. Беш-ўн аср наридаги аждодларимиз ҳақида эса бундай асарлар хийла. Яқинигинада – XX асрда яшаб ўтган шундай ажойиб алломаларимизга камроқ кўнгил бураётгандаймиз. Бу янги замонда уларнинг ибратли умрини ўрганмасдан, турмушидан ибрат олмасдан маънавий қадриятларимизни шакллантира олмасак керак. Яна бир муҳим томони, уларнинг ҳаёти ҳақида сюжет ва конфликтлар ўйлаб топиш ҳам шарт эмас, бари аён.

Президентимиз 2026 йил 1 июнь куни маданият, санъат ва адабиёт ходимлари билан келгусидаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказган учрашувида мазкур соҳаларнинг вакилларини жамлади. Бунинг негизида улар орасидаги мулоқотни кучайтириш истаги бўлса ҳам ажаб эмас. Чунки олдимизда турган вазифалар ижросида ҳар бир тармоқ алоҳида эмас, ҳамкорликда эришади, албатта.

...Устоз бастакор Муҳаммаджон Мирзаев билан ажойиб қўшиқчи шоир Туроб Тўла эллигинчи йиллар охирида қайноқ ёз кунлари Поп чўлларининг чанг-тупроқ йўлларини босиб, шийпонларда деҳқонлар билан чойлашиб, саратон офтобида куйиб-қорайиб меҳнат қилаётган камтарин ва фидойи қизларни бежиз тараннум этишмаган.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ,
публицист

Қизиққанга кенг дунё!

Иқлим лотинча «клима» («оғиш») сўзидан келиб чиққан. Фанга эрамиздан олдинги II асрда яшаган Гиппарх томонидан киритилган. У Ернинг одамлар истиқомат қиладиган қисмини ўн икки бўлакка ажратган. Юнон олими Птоломей бу миқдорни саккизтагача камайтирган. Лекин ўз қаламига мансуб «Жуғрофия»да иқлимлар назариясига амал қилмаган. Жуғрофий жойларни минтақалар ва епархиялар бўйича тақсимлаган.

ЕТТИ ИҚЛИМНИ БИЛАСИЗМИ?

Жуғрофияни иқлимлар назариясига тўла риоя этган ҳолда илк бор Мусо ал-Хоразмий *(780-850 йиллар)* баён қилган. У Курраи заминнинг маъмур, тушунарлироқ қилиб айтганда, инсоният яшайдиган обод қисмини етти иқлимга ажратган. Птоломейдан фарқли ўлароқ, минтақалар, мамлакатлар ва улардаги жўғрофий ҳудудларни эмас, балки биринчи иқлимдан то еттинчи иқлимгача бўлган жойларни тавсифлаган. Бу жиҳатдан унинг 836-847 йиллар оралиғида битилган «Китоб сурат ул-арз» рисоласи беқиёс аҳамиятга эга.

Китобда қуруқлик, сувлик ва тоғликдан иборат 2402 та жуғрофий жой ўрни келтирилади. Мамлакатлар, шаҳарлар, булоқлар, дарёлар, кўллар, денгизлар, тоғлар ва ороллар иқлимлар бўйича тақсимланади. Бу назария жуғрофия фанининг кейинги ривожига салмоқли таъсир кўрсатди. Хусусан, Ернинг маъмур қисмини иқлим минтақалари асосида ўрганишни осонлаштирди.

Ал-Хоразмий ғоясини яна бир буюк бобокалонимиз – Аҳмад ал-Фарғоний *(798-865 йиллар)* ўзининг «Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум» *(«Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» – одатда у «Астрономия асослари ҳақидаги китоб» деб аталади)* асарида давом эттирган. Унинг 9-бобини жуғрофияга бағишлаган. Етти иқлимнинг барчасини улардаги мамлакатлар, вилоятлар ва шаҳарлар билан бирга тасвирлаган.

Фақат ўртадаги фарқ шундаки, Мусо ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ул-арз»и Птоломей анъанасига, Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум»и ҳиндлар анъанасига асосланган. Аниқроғи, ал-Хоразмий иқлимлар тавсифини рубъи маъмурнинг энг ғарбий чеккасидан – Африканинг Атлантика уммони қирғоғига яқин ороллардан бошлаб, энг шарқий чеккасигача, яъни Тинч океанидаги япон ороллригача давом эттиради. Кенглама йўналишида экваториал ерлардан то шимолий қутбий ерларгача бўлган ҳудудлар тўғрисида сўз юритади. Ал-Фарғоний эса, гапни рубъи маъмурнинг энг шарқий четидан бошлайди. Рисоладаги тартиб бўйича кейинги беш иқлим тавсифи диққатга сазоворлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларда Марказий Осиё ҳамда бу минтақага туташ ерларнинг вилоят-шаҳарлари батафсил тилга олинади. Мана, айрим мисоллар:

«Тўртинчи иқлим Шарқдан бошланади ва Тибетдан, сўнгра Хуросондан ўтадики, бунда Хўжанд, Уструшона, Фарғона, Самарқанд, Балх, Бухоро, Ҳирот, Амуя, Марварруд, Марв, Сарахс, Тус, Нишопур шаҳарлари бор. Ундан сўнг Журжон, Қумис, Табаристон, Демованд, Қазвин, Дайлам, Рай, Исфаҳондан ўтади.

Бешинчи иқлим Шарқда Яжуж мамлакатидан бошланади, сўнг Хуросоннинг шимолидан ўтади. Унда Тороз – савдогарлар шаҳри, Навокат (Навкат), **Хоразм, Исфижоб** (Сайрам), **Турарбанд (Ўтрор – ҳозирги Арис) ва Озарбайжон, Арминия вилояти, Бардаъа** (Барда), **Нашава (Нахичивон) шаҳарлари бор.**

...Еттинчи иқлим Шарқда Яжуж мамлакатининг шимолидан бошланади, сўнг туркий мамлакатлар (Марказий Осиё)**дан, сўнг Журжон** (Каспий) **денгизининг шимолидан, сўнг Рум денгизи** (Қора денгиз)**ни кесиб сақлаблар** (славьянлар) **мамлакатидан ўтади ва Ғарб** (Атлантика) **денгизида тугайди».**


Кўриниб турибдики, Ал-Фарғоний катта кенгликдаги ўлкаларни тавсифлаш асноси ўзининг асл Ватани – Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳақида батафсилроқ тўхталган. Бундан ташқари, Яжуж мамлакати деб Шарқдаги афсонавий ерни эмас, балки ҳозирги Мўғулистоннинг шарқи ва Хитойнинг шимоли-шарқига мос келадиган аниқ жуғрофий ҳудудни кўрсатган.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ
тайёрлади

Долзарб мавзу

«БИР МАРТА СИНАБ КЎРИШ» ФИКРИ

ва умрбод қарамлик балоси



Бугунги шиддатли замон инсониятга мисли кўрилмаган имкониятлар яратмоқда. Бироқ бу қулайликлар ортидан муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Шулардан бири ёшлар ўртасида психотроп воситаларга қарамликнинг кенгайиб бораётганидир.
Айрим ёшлар психотроп дориларни наркотик воситаларга нисбатан хавфсиз деб ўйлайди. Бу янглиш тасаввур. Чунки ҳар қандай психотроп воситани назоратсиз истеъмол қилиш кучли психологик ва физиологик қарамликка сабаб бўлиши мумкин.

Айниқса, синтетик гиёҳванд моддалар бугун энг хавфли таҳдидлардан бирига айланди. Улар организмга жуда тез таъсир кўрсатади. Дастлабки пайтларда сунъий қувонч ёки енгиллик ҳисси пайдо бўлиши мумкин. Аммо бу қисқа муддатли ҳолат бўлиб, кейинчалик оғир депрессия, асаб тизими фаолиятининг издан чиқиши, хотира сусайиши, тажовузкорлик, руҳий касалликлар, ҳатто, ўлимгача олиб келиши мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, айрим синтетик моддалар бир неча марта истеъмол қилинганидан кейиноқ кучли қарамликни шакллантиради.

Оғир жиҳатлардан бири шундаки, қарамлик доимо катта жиноят ёки оғир ҳолатдан эмас, балки «бир марта синаб кўриш» деган фикрдан бошланади. Қизиқувчанлик, дўстлар таъсири, стресс, руҳий тушкунлик ёки ўзини кўрсатиш истаги инсонни биринчи қадамни ташлашга ундайди. Кейин эса организм моддани талаб қила бошлайди. Оқибатда инсоннинг ҳаёти, орзу-мақсадлари ва келажаги аста-секин йўқола боради.

Психологлар қарамликнинг илдизи аксарият ҳолларда инсоннинг ички кечинмалари билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Болаликдаги меҳр етишмаслиги, оилавий зиддиятлар, доимий стресс, ёлғизлик, ўзини қадрламаслик каби омиллар ёшларнинг турли зарарли таъсирларга мойиллигини оширади.

Муаммонинг ечими фақат жазо чораларида эмас. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, профилактика, эрта огоҳлантириш ва маънавий тарбия энг самарали воситалар ҳисобланади. Мактаб ва олий таълим муассасаларида ёшлар билан расмий маърузалар эмас, балки очиқ мулоқотлар, ҳаётий воқеаларга асосланган психологик машғулотлар ва мутахассислар иштирокидаги учрашувлар кўпроқ натижа беради.

Бу жараёнда оиланинг ўрни беқиёс. Боланинг кайфиятидаги ўзгаришларни вақтида сезиш, унинг дардига қулоқ тутиш, ишончли муносабат ўрнатиш кўплаб фожиаларнинг олдини олиши мумкин. Оиладаги меҳр ва ўзаро ҳурмат ёшларни ҳар қандай салбий таъсирдан ҳимоя қилувчи энг мустаҳкам қалқон ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида ҳам муҳим вазифалар турибди. Ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилаётган ноқонуний савдога қарши курашиш, жиноий тармоқларни фош этиш ва ёшларни бундай тузилмалар таъсиридан асраш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, осон даромад ваъдаси билан ёшларни «курьер» сифатида жалб қилиш ҳолатларига муросасиз муносабат билдириш зарур.

– Мамлакатимизда гиёҳвандлик, психотроп ҳамда кучли таъсир қилувчи воситаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ мазкур турдаги жиноятларга қўл ураётганлар орасида ёшлар учраётгани барчамизда жиддий ташвиш уйғотади. Айниқса, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ортганини кўришимиз мумкин, – дейди Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти матбуот котиби Камола Холмуродова. – Юртимиз бўйлаб «Хавфсиз ва соғлом юрт» тезкор профилактик тадбирлари ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Мазкур йўналишда ўтказилган 2608 та тезкор тадбир давомида 222 килограмм гиёҳвандлик, 48 минг дона психотроп дори мусодара, 35 минг 316 туп гиёҳвандлик ўсимлиги йўқ қилинди. Интернет орқали гиёҳвандлик воситаларини яширин усулда тарқатиш билан шуғулланган 98 нафар шахс қўлга олинди. Улар томонидан чизилган 361 та наркограффити бартараф этилди.

Аслида ҳар қандай профилактиканинг энг самарали усули ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдир. Спорт, санъат, китобхонлик, илм-фан, инновациялар ва ижод билан шуғулланадиган ўғил-қизларнинг зарарли одатларга берилиш эҳтимоли анча паст бўлади. Шу боис ёшлар сиёсатида иқтидорларни қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий муҳитни бойитиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш устувор вазифа саналади.

Мухтасар айтганда, психотроп моддаларга қарамлик бир инсоннинг эмас, бутун жамиятнинг муаммосидир. Бу иллат миллатнинг интеллектуал салоҳиятини сусайтиради, оилаларни пароканда қилади ва жамият барқарорлигига рахна солади. Шундай экан, унга қарши курашда давлат идоралари, таълим муассасалари, тиббиёт тизими, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва энг аввало, оила бир мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлиши зарур. Муҳим вазифа эса ёшларни қўрқитиш эмас, уларнинг қалбида ҳаётга муҳаббат, илмга иштиёқ, эзгу мақсадлар ва келажакка ишончни мустаҳкамлашдир. Чунки маънавий таянчга эга, билимли ва ўз олдига аниқ мақсад қўйган ёш ҳар қандай зарарли таъсирга қарши туриш қудратига эга бўлади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Salim ABDURAHMONOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 18:40
Topshirildi – 19:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 006 ta
Shundan: 6 521 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 294 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-811**
1 2 3 4 5 6